

Ўша куни эрталаб хотиним билан одатдагидек хайрлашдик. У қўлидаги чойини ичиб бўлмасданок, мени эшик олдигача кузатиб кўйишга шошилди. У пальтомнинг кайтарма ёкасидан кўзга кўринмас килни кокиб туширганича (бу унинг «Сен факат ўзимга тегишилсан!» деган барча аёлларга хос тантиклигининг ифодаси эди) шамоллаб колганимни унутиб кўймаслигимни сўради. Тўгриси, мен шамоллаган эмасдим. Кейин севимли аёлларгина хайрлашаётгандарида эрига тортик киладиган бўса алмашув юз берди. Кейин хотиним кўп йиллик тажрибасига асосланган синчковлик билан бўйинбогимнинг тўғногичини тўгрилаб кўйди. Эшикни ташкаридан ёпаётиб, у уй шипагини шаппиллатганича чой ичишини давом эттириш учун ошхонага кириб кетаётганини эшитдим.

Уйдан чикканимда хам мен билан юз бериши мумкин бўлган бирор гайритабиий холатни хис килмадим. Хаммаси тўсатдан бошланди.

Нихоят бир неча ой давомида куну-тун каттик ишлашга мажбур килган темир йўл компаниясининг шов-шувли тергов ишини муваффакият билан якунига етказиб, енгил нафас ола бошлагандим. Сирасини айтганда, бир неча йиллардан бери дам олмасдан ишлаганимни тан оламан. Менинг кадрдон дўстим ва даволовчи шифокорим Волни бу хакда бир неча бор огохлантиргани хам рост.

— Ўзингни эҳтиёт кил, Белфорд, агар бироз нафасингни ростлаб олмасанг, бу сен учун аянчли тугаши мумкин. Мана кўрасан, сенинг ё асабинг, ё миянг панд бериб кўяди. Эҳтимол газеталардан ўқигандирсан, кариб, хар хафта амнезия холатига тушган одамлар хакида ёзишяпти, одам уйидан чикади-ю, дом-дараксиз йўколади, каерларда дайдиб юрганини ўзи хам билмайди, ўзи ким, каерда яшагани-ю исми нима эканлигини хам хотирасидан ўчиб кетади. Буларнинг барчасига сабаб толикиш ва хаддан ташкари хис-хаяжонга берилиш. Натижада мия томирларида кичик кон тикилиш юз беради.

— Мен бундай холларда кон тикилишни репортёрларнинг миясидан кидириш керак, деб ўйлайман, — эътиroz билдиридим.

Шифокор Волни бошини иргаб кўйди.

— Йўк, огайни, бу касаллик билан хазиллашиб бўлмайди. Сен дам олиш ва мухит алмаштиришга жуда мухтожсан. Ахир, ўйлаб кўр, хар куни бир айлана бўйича елиб-югурасан: суд, идора, уй. Дам олмокчи бўлсанг, конунлар мажмуасини ўкийсан. Вактинг борида маслахатимга амал кил.

— Нега дам олмас эканман? Пайшанба кунлари хотиним билан карта ўйнайман. Якшанба кунлари у онасидан келган хатни ўкиб беради. Кайнонам хар хафта канда килмай битта хат ёзиб туради. Конунлар мажмуасини ўкиш — бу дам олиш эмас, бу мураккаб масалани ечиш дегани! — ўзимникини маъкуллардим.

Ўша куни эрталаб кўча бўйлаб борарканман, шифокор Волнининг юкоридаги гапларини эсладим. Ўзимни доимгидан унча ёмон хам сезмасдим, кайфиятим хар доимгидан хам яхшиrok эди.

Үйкудан уйгонганимда бутун аъзои-баданим уюшиб, какшаб оғирди. Ахир, темир йўл вагонида узок соатлар давомида ўтирган холда ухлашнинг ўзи бўладими? Ўтиргич суюнчиғига елкамни тираб, фикримни жамлашга уриндим. Ўйлайвериб, ўйлайвериб, нихоят ўзимдан-ўзим «хар холда менинг бирор исмим бўлиши керак-ку!» — деб сўрадим. Чўнтакларимни кавлаштирудим. Хеч вока йўк. На бирорта хат, на бирорта визит карточкаси ёки хужжат йўк эди. Уларнинг ўрнига ички чўнтағимдан йирик пуллар билан уч минг доллар топиб олдим. «Барибир, мен ўзи кимман?» Калламда факат шу савол такрорланар ва тинимсиз ўйланардим.

Вагон одамлар билан тўла ва хамма ўзаро бетакаллуф сухбатлашар, шод -хуррам ва аъло кайфиятда эди. Демак, уларни кандайдир умумий бир манфаат бирлаштириб турипти. Йўловчилардан бири, уст-бошларидан долчин ва алоэ хиди анкиб турган басавлат эркак, менга дўстона бош силкиб, ёнимга келиб ўтирди ва газета ўкий бошлади. Ахён-ахёнда у ўкишдан тўхтар ва биз сафар чогида рўй берадиган одатга кўра у ёк, буёқдан гап сотишардик. Маълум бўлишича, мен бундай сухбатга бемалол кириша оларканман ва бу холатда хотирам менга хеч хам панд бермаётгандек эди.

— Сиз хам кўринишингиздан ўзимизнинг одамларга ўхшайсиз, — деди янги танишим. — Бу сафар гарбдан сараланган вакиллар келишяяпти. Конгрес Нью-Йоркда бўлишлигидан жуда хурсандман. Мен хали шаркий штатларда бирор марта хам бўлмаганман. Ўзимни таништиришга рухсат беринг. Мен Р.П.Болдерман. Миссури штатидаги Хикори-Гроув шахарчасидаги «Болдер ва ўгли» фирмасининг вакилиман.

Бундай танишувга тайёр бўлмасам-да, оғир вактларда эркак кишига хос вазминлик билан, довдираб колмай, хар холда ўзимни тутдим. Миям жуда секин ишлар, бирок, нима бўлса-да, хисларим ёрдамга етиб келганди. Янги танишимдан анкиётган ўткир дори-дармон хидлари хам фикрлашимга ёрдам бериб юборди.

— Менинг исму-шарифим Эдвард Пинкхаммер, — дедим тутилмасдан. — Мен доришуносман, Канзас штатидаги Корнполисда яшайман.

— Сиз доришунос эканлигинизни дарров пайкагандим, — жавоб берди танишим илтифот билан. — Ўнг кўлингизнинг кўрсаткич бармогида ўгирдан хосил бўлган кадок борлигига дарров эътибор бердим. Биз, доришуносларда хамманинг кўлида шунака кадок бўлади. Чамамда, сиз хам бизнинг умумамерика конгресига делегат бўлсангиз керак?

— Нима, вагондаги барча йўловчилар доришуносларми? — хайратланиб сўрадим мен.

— Албатта. Бу вагон тўппа-тўгри гарбдан келяпти. Факат патентланган таблеткалар-у ампулалардан ташкари хеч нарсани билмайдиган, ўзлари эса дори тайёrlашни билмайдиган хозирги доришунослардан фаркли ўларок, йўловчиларнинг хаммаси пиҳини ёрган эски доришунослар. Ха, биз хар кандай дорини ўз кўлларимиз билан тайёrlайдиган доришуносларданмиз. Биз баҳор ойларида ўз томоркаларимизда етиштирган доривор ўсимликлар уруКларидан, айни пайтда ширинликлар ва хатто оёқ кийимлари билан савдо килишдан тортинмайдиган доришуносларданмиз. Сизга тўгрисини айтаман, бу кенгресда мен айрим янги фикрларни айтмоқчиман. Одамларга янги гоялар керак. Мана масалан, кайд килдирадиган куқун ва сегнет тузи солинган шишачаларни олайлик. Айрим холларда у узум сиркаси ва сурмадан тайёrlанади, бошка холларда натрийдан тайёrlанади. Биринчиси, буни ўзингиз хам биласиз, кип-кизил захар, иккинчиси хеч кандай заарсиз дори . Бирок шишачаларга ёзилган когоғизни осонгина адаштириб юбориш мумкин. Одатда доришунослар бу шишачаларни кандай жойлаштирилишини билсангиз керак? Ха, иложи борича бир-бирларидан узокда, турли жойларда саклашади. Айнан мана шуни мен нотўгри хисоблайан. Мен уларни хар кандай вазиятда адашиб кетмаслик учун ёнма-ён кўйиш тарафдориман. Менинг фикримни тушунаяпсизми?

— Назаримда, гапларингизда жон бордек, — дедим мен.

— Ана кўрдингизми! Демак, бу фикрни конгрессда айтаман, сиз мени кўллаб-кувватлайсиз, келишдикми? Хар хил кремлар-у косметик воситалар ишлаб чиқаришга устаси фаранг бўлиб кетган шарклик доришунослар ўзларини хаммадан устун сезишади. Мана кўрасиз, биз уларни таблеткаларию, пипеткалари билан яrim йўлда колдириб кетамиз.

— Сизга фойдам тегиши мумкинлигидан хурсанман, — дедим рухланиб. — Демак, шишачалардаги... халиги.

— Узум сирка плюс сурмали туз ва узим сирка плюс натрий тузли шишачалар.

— ...битта полкада ёнма-ён туриши керак, — жиддий охангда гапни тугалладим мен.

— Яна бир гап, — давом этди мистер Болдер, — Сиз таблетка тайёрлашда ёрдамчи восита сифатида нимадан фойдаланасиз, магнезияданми, углекислий тузданми, ёки кукунланган глицроз рэдиксданми?

— Менми, э-э.. магнезиядан, — дедим мен, хар холда талаффузи осонрок сўзни танлаб.

Бодлер кўзойнаги ортидан менга ишонкирамай тикилди.

— Мен эса глицироз рэдиксни афзал кўраман, чунки магнезия тез котиб колади.

Ўртага бир зумлик сукунат чўкди.

— Буни каранг, яна амнезия билан бoggлиқ ходиса, — деди у газетани менга узатиб, ундаги маколани кўрсатиб. — Мен бундай воеаларга мутлако ишонмайман. Ўндан тўккиз холатда бу кип-кизил мугомбирлик. Бу ишдаги ва оиласидаги бир хиллик жонига тегиб кетган одамнинг бошқача яшашга интилиши холос. Шундай килиб, у уйидан кочиб кетади ва уни нихоят топиб олишсалар, у ўзини хотираси йўкотганга солади. Гўёки ўз исмини билмайди, чап елкасида холи бўлган ўз хотинини хам танимаганга олади. Хотира йўкотиш эмиш! Нега улар ўз хотиralарини ўз уйларида йўкотишмайди?

Мен газетани олиб, жарангдор сарлавхали куйидаги маколани ўкий бошладим:

«Денвер, 12 июн. Машхур адвокат Элвин С.Белфорд бундан уч кун олдин сирли равишда ўз уйидан чикиб кетган ва уни излаб топиш борасидаги барча саъй-харакатлар самарасиз якунланмокда. Мистер Белфорд бизнинг шахримиздаги машхур кишилардан ва жамиятимизнинг юкори табакасига мансуб, ўз ишини устаси бўлган адвокатлардан. Сирли равишда йўколиш арафасида у банқдаги хисобидан йирик микдордаги пул олган. Шундан буён уни хеч ким, хеч жойдан тополмаяпти. Мистер Белфорд кам топиладиган вазмин феълли, хонанишин ва ўз оиласидан, ишидан кўнгли тўк кишилардан эди. Унинг уйдан Кайри табиий холатда чикиб кетишини факат биргина сабаб билан изохлаш мумкин: у бир неча ой жараёнида Н. темир йўл компаниясининг мураккаб судида хаддан ташкари берилиб ишлади. Холдан тойдирадиган даражадаги иш унинг хотирасига салбий таъсир килган бўлиши мумкин. Хозирги кунда гойиб бўлган адвокатни кидириб топиш бўйича барча чора-тадбирлар кўрилмоқда».

— Сиз афтидан унча-мунча нарсаларга ишонмайдиган кишилардан ўхшайсиз, мистер Болдер, — дедим мен маколани ўкиб чикиб. — Менимча буларнинг хаммаси хақикат. Турмушда барча соҳаларда муваффакият козонаётган, хурмат-эътиборли, оиласий хаётда баҳтини топган одам кандай килиб тўсатдан барчасидан воз кечади-ю, Койиб бўлади? Мен биламан, хотира йўкотиш дегани, ростдан хам бор гап. Ундей киши каёкка бораётганини, исми-шарифи нима эканлигини, на ўтган хаётини, на ўз хонадонини эслай олмайди.

— Хаммаси уйдирма ва ёлгон! — эътиroz билдириди мистер Болдер. — Тўгриси, улар барча хаёт ташвишларига кўл силтаб, бироз ўйнаб келишни хохлашадилар. Хозирги одамларни биласиз-ку, хамма жуда аклли бўлиб кетган. Эркаклар ана шу амнезия деган нарсадан боҳабар бўлиб олишиб, энди ўз истак-майлларини шу билан хаспушламокчи бўладилар. Колаверса аёллар хам. Нихоят бир кун келиб хаммаси аник бўлгач, кўзларини сизга лўк килишиб, илмий далилларни рўкач килишиб: «Мени кимдир гипноз килиб кўйган!» — дейишади.

Мистер Болдер мени ўзининг ана шундай хулосаси-ю фалсафаси билан ишонтиrmокчи бўлди. Бирок, бу гапларга негадир ишонгим келмади...

Поездимиз Нью-Йоркка кечкурун соат тўқизларда етиб келдик. Извошга ўтириб меҳмонхонага келдим ва меҳмонхона дафтарига ўз исмимни Эдвард Пинкхаммер деб ёздиридим. Бу пайт менинг бутун вужудимни гаройиб, тушуниб бўлмайдиган, маст килгувчи бир ёнгиллик, чек-чегараси йўқ озодлик хисси, барча имкониятлар эшигини ланг очаётган totли бир хиссиёт камраб олгандек бўлди. Худди бу ёруг оламга эндиғина келаётганимдек хис килардим ўзимни. Илгари менинг оёқ-кўлларимни boglab ташлаган аллакандай занжирлар бирданига парча-парча бўлиб узилиб кетгандек. Келажак кўз олдимда худди begunox болакай кўзига кўринаётгандек тўппа-тўгри ва теп-текис бўлиб ясланиб ётар ва мен унга хаётий тажрибаларим, билимларим билан кадам ташлашга хозирланаётгандек эдим.

Меҳмонхона ходими менга хаддан ташкари синчковлик билан тикилаётгандек туюлди. Чунки кўлимда хеч кандай юким йўглиги гумонсирашларига асос бўлиши мумкин.

— Доришунослар конгрессига келдим, — тушунтиридим мен. — Жамадоним каердадир ушланиб колган шекилли.

Шундай деб чўнтағимдан бир даста пул чикардим.

— Албатта, албатта, — деди меҳмонхона ходими тилла тишларини ялтиратиб. — Бугун бизга гарбий штатлардан анчагина делегатлар жойлашишди.

Шундай деб у кўнгирок чалиб, дастёр болани чакирди.

Мен ўз ролимни янада ишончлирок ўйнашга киришдим:

— Хозир бизнинг Карбимизда янги бир йўналиш пайдо бўлган. Биз конгрессга узумсиркали калийли сурмали шишачаларни узумсиркали калийли натрийли шишачалар билан ёнма-ён, бир полкада саклашни таклиф килмокчимиз.

— Жентельменни уч юз ўн тўртинчи хонага бошлаб бор, — буюрди югурдак болага, меҳмонхона ходими шошилиб.

Ва мени ўша захотиёк ўз номеримга бошлаб боришиди.

Бу кунисига жамадон ва у-бу кийимлар сотиб олиб, Эдвард Пинкхаммер номи билан яшашни бошлаб юбордим. Ўтмиш хаётим муаммолари хакида бош котириб ўтиришни хам истамадим.

Оролларда жойлашган улкан шахар менинг лабларимга ялтирок кадаҳларга тўлгазилган ширин хаёт шарбатини тутказди. Ва мен бу кадаҳни миннатдорчилик билан симира бошладим. Эдвард Пинкхаммерга, у оламга бор-йўги бир неча соат олдин келган бўлса хам, инсоният томонидан яратилган ва хеч кимга боғлик бўлмаган мана шу ранг-баранг кизикарли хаёт завқидан роҳатланиш баҳти насиб килди. Мен одамни сеҳр-жодулаб, худди эртакдаги учар гилам сингари кўз кўриб, кулок эшитмаган ўлкаларга олиб кетадиган, шодон мусика янграётган, шўх жононлар раксга тушаётган ва ва бандасини гаройиб, кулгули ахволга соладиган театрларда, том устида курилган ресторонларда бўлдим. Оёгим каёкка бошласа, шу томонга кетавердим. Энг кизиКи — хеч ким менга буйруқ бермас, хеч нарса: на атроф мухит, на вакт, на одоб конун-коидалари мёнга халакит бермасди. Мен Калати кабачкаларда овкатланар, лўлилар оркестри мусикаси, мусаввир ва хайкалтарошларнинг тинимсиз хайкириклари садолари остида галати ноз-неъматлардан татиб кўрардим. Мен электр нурлари остида тунги хаёт худди кино лентадагидек кайнаётган, у ерда турли-туман бантик ва шляпалар, оламда мавжуд барча такинчоклар ялтур-юлтирилган жойларда хам бўлдим. Буларнинг хаммасидан ўзимга сабок олишга уриндим. Ва тушундимки, эркин хаётнинг калити на ахлоксизликда, на расм-русларга риоя килишда экан. Сертақалуфликка хамма жойда бож тўлаш шарт экан, бўлмаса Озодлик дея аталмиш мамлакат сарҳадларига кадам кўя олмас экансан. Ташки хашамат ва кўзга ташланадиган тартибсизликлар, усти ялтироклик ва бетакаллуфсизлик ортида, у унчалик кўзга ташланмаса хам, ана шундай темир конун хукмрон эканлигини пайкадим. Демак, Манхеттен кўчаларини кезар экансан, ана шу ёзилмаган конун-коидаларга риоя килсанг, сен дунёдаги озод кишиларнинг энг озодисан! Бу конун-коидаларга буйсунмас экансан, оёқ-кўлларингга кишан урилади!

Гоҳида кайфиятимга караб бурчакларига пальма дараҳтлари экилган улугвор ресторанларга овкатланишга кирадим. У ерда хамма ярим овозда гаплашади, атроф-мухитдан щодагонлик, ясама назокатлилик ва сиполик ёғилиб туради.

Гоҳида эса, бакирок хизматчилар ва хеч кимдан тортинаасдан ўпишиб, кучоклашаётган ёшлар, ясама такинчоклар сотувчи аёллар билан тўлиб тошган кемачада сайр килардим. Одамлар арzon-гаров ва кўпол кўнгилхушликлар килишлари учун бегона соҳиллар томон ошикишарди. Ва хар доим, барча томонлардан нуру-ёѓуларга кўмилган, хашаматли, маккор, бевафо, лекин йўлдан оздирувчи, дилтортар Бродвей, худди афюн каби ўзига тортадиган Бродвей кўчаси кўриниб турарди.

Бир кун кундуз меҳмонхонага кайтаётсам, йўлакда миктидан келган, бурундор, мўйлабли бир киши йўлимни тўсади. Мен уни чеккалаб ўтиб кетмокчи бўлдим. Бирок у кўнгил оғритар даражада такаллуфсизлик билан менга мурожаат килди:

— Хелло, Белфорд! Нью-Йоркда нима килиб юрибсиз, жин урсин? Сизни ўз китобларингиздан ажратиб, уянгиздан чикишга нима мажбур килди? Рафикангиз хам ўзингиз биланми? Ёки бу ерда, хи-хи-хи, бошкаси хам борми?

— Сиз адашдингиз, сэр, — дедим, совуклик билан кўлимни унинг кўлларидан тортиб олиб. — Мен Пинкхаммерман. Узр, мен жуда шошиляпман.

У ўзини четга олди, башарасида хайрат аломатлари кўринди. Номеримнинг калитини олиш учун меҳмонхона ходими олдига бораётиб мўйлабли киши дастёр болани чакириб, телеграф бланкалари хакида суриштираётганлигини эшитдим.

— Менга хисоб-китобни тайёрланг, — дедим меҳмонхона ходимига. — Кейин ярим соат ичидаги нарсаларимни йигиштириб, пастига олиб тушишсин. Хар хил каланки-касангилар хириалик киладиган бу меҳмонхонада колишни истамайман.

Ўша куниёк бошка меҳмонхонага, Бешинчи авеню бошидаги тинчгина, эски русумдаги отелга кўчиб ўтдим.

Бродвей кўчасидан сал нарида ташки оламдан тропик ўсимликлар билан ихоталанган, очик хавода овкатланиш имконияти мавжуд ресторан жойлашган. Хамма томони гўзал ва осуда бу ресторонда ажойиб хизмат килишади, шу сабабли бу ерда нонушта ва тушлик килиш жудаям ёқимли. Бир кун шу ресторанга келиб эндиғина папоротниклар орасидаги бўш стол томон бораётгандим, тўсатдан кимдир енгимдан тортди.

— Мистер Белфорд! — хаддан ташкари ёқимли бу товушни эшитиб тўхташга мажбур бўлдим.

Ўгирилиб караб, ўттиз ёшлардан ошган, гайри табиий гўзал кўзлари билан менга худди кадрдон, севимли дўстидек тикилаётган аёлга кўзим тушди.

— Тўхтатмасам, карамай хам ўтиб кетасиз шекилли, — деди у гина билан. — Факат «пайкамабман», дея ишонтиришга уринманг. Орадан ўн беш йил ўтгач, ўзаро бир кўл кисишишак нима бўлиби?

Мен дарров унинг кўлини кисишишга шошилдим. Кейин унинг рўпарасига ўтириб олдим. Бошим билан имо килиб официантни чакирдим. Хоним бепарвогина апельсинли музкаймокни чукаларди. Дарров ялпизли ликёр буюрдим. Унинг соchlари кизКиш бронза рангла эди. Бирок уларга тикилишга улгурмасдим, чунки унинг кўзларидан нигоҳимни узишнинг иложи йўқ эди. Шундай бўлса-да, унинг соchlари айнан менинг олдимда кизКиш тусга кираётганидек, ўрмон ичкарисидан туриб куёш ботишини кузатсанг, худди шундай манзарани кўрасан, деган галати бир хиссиёт мени бир лахза хам тарк әтмасди.

— Мени танишлигингизга ишончингиз комилми? — сўрадим мен.

— Йўқ, — ширингина кулиб жавоб берди у. — Бунга менинг хеч качон ишончим комил бўлмаган.

— Сизга менинг исму шарифим Эдвард Пинкхаммер эканлигини, Канзас штатидаги Корнполисдан келганлигимни айтсам, нима дейсиз? — сўрадим безовталаниб.

— Нима дердим? — такрорлади у кўзлари шодон чараклаб. — Биринчи галда Нью-Йоркка рафикангиз мисс Белфордни олиб келмагансиз деб ўйлардим. Албатта бу жуда ачинарли. Мен Мэриан билан бажонидил учрашган бўлардим.

У бирозгина овозини пасайтириб кўшиб кўйди:

— Сиз хамон ўша-ўшасиз, Элвин.

Унинг шахло кўзлари синовчан бокиб, менинг нигохимни овлай бошлади.

— Йўқ, сиз анча ўзгарибсиз, — гапида давом этди аёл.

Унинг овозидан энди енгилгина кувноклик охангини сеза бошладим.

— Мана, энди кўряпман. Сиз унутмабсиз. Сиз мени йиллар давомида бир кун хам, бир соат хам унутмаганингизни кўряпман. Мен сизга, мени хеч качон унуполмайсиз, дегандим-ку.

Мен хижолатланиб самон найча билан ликёrimни кўзгай бошладим.

— Худо хаки, мени кечиринг, — дедим унинг тикилиб карашларидан ўзимни кўярга жой топа олмай. — Гап шундаки, мен хаммасини унутиб юборганман. Бирортаси эсимда йўқ.

Аёл менинг гапимга кулганича кўл силтади. Юзимдан ниманидир пайкаб, мафтункорона хо-холаб кула бошлади.

— Сиз хакингиздаги янгиликлардан доимо хабардорман, — давом этди у. Энди сиз гарбда, Денвер шаҳрида шекилли, машхур адвокатсиз. Ё Лос-Анжелосдами? Билишимча, рафикангиз Мэриан сиз билан жуда фахрланади. Эҳтимол эшитгандирсиз, сизларнинг тўйларингиздан кейин ярим йил ўтгач, мен хам эрга тегдим. Бу хакда газеталарда хам ёзишди. Факат гуллар учун икки минг доллар сарфлашди.

У ўн беш йил илгари учрашганмиз дегандими? Ха, ўн беш йил, бу жуда катта муддат.

— Сизни табриклаб кўйсам, унчалик кеч бўлмасмикан? — дедим хадиксираб.

— Йўқ, агар сиз бунга журъат килибсизки, унчалик кеч бўлмайди, — деди у койилмаком очик кўнгиллик билан.

Унинг бу гапини эшитиб, жим бўлиб колдим ва тирногим билан дастурхонни чиза бошладим.

— Менга факат бир нарсани айтинг, Элвин, — илтимос килди у, мен томонга шиддат билан эгилиб. — Мен буни кўп йиллардан бери билишни истайман. Бу бор-йўги аёлларга хос бир кизикиш холос. Ўша окшомдан кейин умрингизда бирор марта оппок атиргулга кўл текказишга ёки хидлаб кўришга... борингки, шабнам ва ёмгирдан намикуб колган ок атиргулларга карашга журъат килолдингизми?

Мен нима дейишимни билмай, ичимликдан ютиндим.

— Сизга такрорлаб айтишим жоизмикан, мен буларни бирортасини эслолмаяпман, —

дедим чукур ух тортиб. — Менинг хотирам хеч нарсага ярамай колган. Бундан канчалик афсусда эканлигимни, айтмасам хам бўлар, — дедим хижолатланиб.

Аёл столга тирсаклаб олди ва унинг нигохи менинг сўзларимни эътиборга олмагани холда сирли равишда тўгридан-тўгри менинг калбимни пайпаслай бошлади. У мулойимгина кулиб кўйди, унинг кулгуси хам кандайдир Калати туюлди. Бу, менимча, баҳтдан масрур кулгу эди, унда хам каноатланиш, хам надомат оханглари сезиларди. Мен кўзларимни олиб кочишга уриндим.

— Сиз алдаяпсиз, Элвин Белфорд! Ха-ха, мен сезяпман, сиз алдаяпсиз, — деди у ишонч блан шивирлаб.

Мен папоротниклар томонга анковсираб тикилдим.

— Менинг исмим Эдвард Пинкхаммер, — дедим мен. — Мен бу ерга доришуносларнинг бутунамерика конгрессига делегат бўлиб келдим. Хозир бизнинг Карбда янги бир йўналиш пайдо бўлди. Биз сиркасурманатрий тузи ва сиркакалий натрий тузлари солинган шишаҷаларни полкаларда бошкacha тартибда саклашни таклиф килмокчимиз. Эҳтимол, бу сизга унчалик кизик туюлмас...

Ресторан рўпарасига хашаматли коляска келиб тўхтади. Аёл ўрнидан турди. Мен унинг узатилган кўлини олиб кисиб, таъзим бажо келтирдим.

— Хотирам менга панд берганидан жуда-жуда хижолатдаман, — дедим. — Сизга барчасини айтиб беришим мумкин эди, бирок тушунмайсизми деб кўркаман. Сиз менинг Пинкхаммер эканлигимга ишонмадингиз, мен эса, тўгриси, анаву ок атиргулларни...

— Яхши колинг, мистер Белфорд, — жавоб берди аёл, хамон ўша хам гамгин, хам баҳтли кулгуси билан ва коляскага ўтирди.

Ўша куни кечкурун театрга бордим. Мехмонхонага кайтиб келсам, худди эртаклардагидек, кўринишидан жуда камтар, кора кийимдаги бир кишига кўзим тушди. У тирнокларини шохи дастрўмолчаси или ялтиратиш билан банд бўлиб, бу ишига бутунлай берилиб кетгандек эди.

— Мистер Пинкхаммер, — деди у бепарволик билан, бутун диккат эътиборини кўрсаткич бармогига каратиб, — менга бир неча дақика вактингизни ажратা оласизми? Эҳтимол хонага кириб гаплашармиз?

— Марҳамат, — дедим мен.

У мени кичик хонага бошлаб кирди. У ерда бир жуфт эр-хотинлар ўтиради. Агар хонимнинг юзидағи ташвиш ва ҷарчок аломатларини хисобга олмасак, у жудаям гўзал аёл эди. Унинг келишган комати, юз тузилиши, соchlарининг ранги ва кўзлари айни менинг дидимга мос эди. Сафар кийимидағи бу аёл, гайри табиий хаяжон билан менга тикилди ва калтирок кўлларини кўксига босди. У ҳозир худди мен томонга ўзини отишга тайёрдек эди, бирок, унинг ёнида ўтирган эркак кўлини буйругомуз силкитиб, уни тўхтатиб колди. Кейин эркак менга Хигрилди. У кирк ёшларда бўлиб, кулоги остидаги соchlарига ок тушган, юзи мардонавор, кўринишидан жиддий одамга ўхшарди.

— Белфорд, кадрдоним, мен сени яна кайта кўраётганимдан бехад хурсандман! — деди у самимий охангда. — Албатта сен соK-саломат эканлигингга ишончимиз комил эди. Сени хаддан ташкари холдан тойганлигинг хакида огохлантиргандим-ку, ахир. Энди сен биз билан уйингта кетасан ва дарров ўзингта келасан.

Мен масхараомуз кулимсирадим.

— Мени тез-тез Белфорд деб чакиришадиган бўлишди, тўгриси бунга кўнишиб ҳам колаяпман шекилли, энди унчалик ажабланмаяпман ҳам. Бирок бу нухоят жонга тегади ахир! Марҳамат килиб мени эшитинг, мен Эдвард Пинкхаммерман ва сизни умримда биринчи бор кўриб турибман.

Эркак киши жавоб беришга улгурмасдан аёл аянчли инграб юборди. Бу менга фигон сингари эшитилди. Аёл ўрнидан сакраб туриб, мен томонга отилди. Эркаклар уни тўхтатиб колишга бехуда уринишиди.

— Элвин! Элвин! Менинг юрагимни ёрма! Мен сенинг хотинингман, ахир! Энг курса иссимини айт! Бу ахволга тушганингдан, ўлиб кетсанг хам майли эди!

Аёл шундай деб хиккиллаганича мени маҳкам багрига боса бошлади.

Мен катъий равишда, хурмат-эхтиром билан ўзимни унинг кўлларидан халос килдим.

— Хоним, — дедим жиддий охангда, — мени маъзур тутасиз. Сиз мени ташки ўхшашлигимга учиб, катта хатога йўл кўяяпсиз. Жуда афсусдаман...-шундай деб кулиб юбордим. — Мени кандайдир Белфорд билан худди сиркасурманатрий тузли шишачани сиркасурманатрий тузли шишача билан адашиб кетмаслик учун бир полкада кўйиш мумкин эмас. Агар бу гапларим сизга кулгули туюлаётган бўлса хам айтай, биз гарблик доришунослар айнан мана шу фикрни доришуносларнинг умумамерика конгрессида айтиш учун келганмиз.

Хоним нима дейишини билмай шеригига ўгирилиб, ох-вох кила бошлади:

— Бу нима деган гап, шифокор Волни, ох, энди нима бўлади?

— Хозирча хонангизга кириб туринг, — деди хамрохи ва уни эшик томон бошлади. — Мен у билан коламан ва яна гаплашиб кўраман. Унинг эс-хушими? Йўк, ундан бўлмаса керак... Эхтимол миясининг кичик бир бўлаги...ха, ха, у албатта тузалиб кетади. Сиз хонангизга бориб туринг, бизларни ёлгиз колдиринг.

Хоним чикиб кетди. Кора кийимли киши хам тирнокларини ялтиратишда давом этганича чикиб кетди. Бирок у йўлакда пойлаб турганини сездим.

— Сиз билан гаплашиб олишим керак, албатта рухсатингиз билан, мистер Пинкхаммар, — деди мен билан ёлгиз колган киши.

— Марҳамат, сэр, агар бунга жуда иштиёқманд бўлсангиз. Бирок, маъзур тутасиз, мен қулайрок жойлашиб олай, жуда чарчадим, — дедим.

Шундай деб дераза олдидағи күшеткага ётиб олиб, сигарета тутатдим. У курсини менинг ёнимга суриб, ўтириб олди.

— Келинг, гапни чўзмайлик, — деди у мулоиймлик билан. — Сиз мутлако Пинкхаммер эмассиз.

— Буни сиздан яхширок биламан, — дедим хотиржамлик билан. — Бирок одам бирор фамилия остида яشاши керак-ку! Сизни ишонтириб айтаманки, ўзим хам бу фамилиядан унчалик хурсанд эмасман. Аммо, бир лахзанинг ўзида ўзингга фамилия ўйлаб топишга тўгри келиб колса, хар доим хам негадир каллангга чиройли исму-шарифлар келавермас экан. Хар холда.. нега ўзимга Шерингхаузер ёки Скроггинс деган фамилияларни танламадим экан-а! Менимча Пинкхаммер фамилияси хам унчалик ёмон эмас.

— Сизнинг исму-шарифингиз Элвин Белфорд, — жудаям хотиржамлик билан давом этди шифокор. — Сиз Денвердаги энг зўр адвокатлардан бирисиз. Сиз амнезия касалига йўлиkkансиз ва вактинчалик ўзингизнинг ким эканлигингизни унутгансиз. Бунинг сабаби — хаддан ташкари толикиш, эҳтимол, доимий бир хил хаёт тарзи ва қўнгилхушликларга вакт тополмаганингиз хам бўлгандир. Бу ердан хозиргина чикиб кетган аёл — сизнинг рафикангиз.

— Тан олиш керак, чиройли аёл экан, — дедим мен бироз ўйланиб тургач. — Айникса унинг каштан рангли соchlари менга жуда ёқди.

— Бундай аёл билан факат фаҳрланиш лозим. Сиз гойиб бўлганингиздан бери у икки

хафта давомида, айтиш мумкинки, уйку нима эканлигини билмади. Сизнинг Нью-Йоркда эканлигингизни Айсидор Ньюменнинг телеграммасидан билдик. У бизнинг Денверлик коммивояжерлардан бири. У сизни меҳмонхонада учратганини ва уни сиз танимаганлигингизни маълум килди.

— Ха, шундай воеа рўй бергандек эди, — дедим мен. У мени адашмасам, Белфорд деб атади. Аммо танишиб олишимизга вакт етмадимикан?

— Менинг исмим Робет Волни, шифокор Волни. Мен сизнинг йигирма йиллик кадрдон дўстингизман ва улардан ўн беш йилини — сизнинг шахсий врачингиз бўлиб ўтказдим. Биз телеграмма олишимиз биланок миссис Белфорд билан сизни кидириб бу ерга келдик. Кани Элвин, кадрдон, эслашга урин, эсла!

— Уринганимдан нима фойда? — эътиroz билдиридим мен ковогимни уюб. — Сиз ўзингизни врачман дедингиз. Бўлмаса айтинг-чи, амнезияни даволаб бўладими? Агар одам хотирасини йўкотса, у аста-секинлик билан тикланадими, ёки бирданми?

— Баъзан аста-секинлик билан, лекин бутунлай эмас. Баъзан эса кандай йўколган бўлса, бирдан, тўсатдан тикланади.

— Мени даволай оласизми?

— Азиз дўстим, — жавоб берди у, — сени даволаш учун кўлимдан келган хамма нарсани киламан!

— Бўпти! — дедим мен. — Мени ўзингизни беморингиз деб хисоблайверинг. Бирок, шундай бўлса, врач сифатида сир саклашингиз лозимлигини хам унутиб кўймайсизми?

— Гап йўк! — жавоб берди доктор Волни.

Мен күшеткадан турдим. Стол устига кимдир ок атиргуллар, бир даста ок атиргул, хиди ёқимли анкиб турган, якиндагина сув пуркалган атиргул гулдони кўйганлигини кўрдим. Мен уни олиб дераза оркали иложи борича узокрокка иргитдим ва яна күшеткага ётиб олдим.

— Гап бундай, — дедим шундан кейин, — яхшиси мен бирданига тузалай. Буларнинг барчасидан чарчаб кетдим. Энди эса, Мэриянни чакир. Эх, агар билсайдинг, — дедим унинг бикинига бармогимни никтаб, — ох, бу икки хафта ичида кандай завкли ва баҳтли яшаганимни билсайдинг!

Абдумурод КЎЧИБОЕВ таржимаси.